ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00394

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ВИРТУАЛ - ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Хилола Рахимбердиевна Хайдарова
Узбекистон Миллий университети докторанти (DSc)

АННОТАЦИЯ

Мақолада ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг амалий масалалари бугунги кунда долзарб эканлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, виртуал, маданият, медиа маданият, виртуал саводхонлик, медиа саводхонлик каби тушунчаларига алоҳида изоҳ берилган бўлиб, улар ахборот ва оммавий зўравонликдан ҳимоя қобиғига ўхшатилган. Бугунги кунда дунё оммавий ахборот воситаларида ахборотни танлаш ва тўғри баҳолаш маданияти (виртуал маданият) долзарб муаммолардан бири эканлиги ва бу муаммонинг ечимини излашда аввало оилада хар бир ота-она виртуал-педагогик маданиятга эга бўлиши ёрқин мисоллар орқали кўрсатилган.

Калит сўзлар: Ота-она, оила, мактаб, маҳалла, тарбия, маданият, виртуал, медиа, ахборот, компьютер, интернет, фейсбук, телевизор, ўқитувчи, саводхонлик, виртуал назорат, фарзандлар, миллий ғурур.

PRACTICAL ISSUES OF DEVELOPMENT OF VIRTUAL-PEDAGOGICAL CULTURE OF PARENTS

Khilola Rakhimberdievna Khaydarova
Doctoral student of National University of Uzbekistan (DSc)

ABSTRACT

The article is analyzed the actual issues of practical development of virtual pedagogical culture of parents in the information society. Separately are discussed concepts such as virtual, culture, media culture, virtual literacy, media literacy, which are likened to a shell of protection from information and mass violence. Nowadays, the culture of selection and assessment of information in the world media (virtual culture) is one of the most pressing problems, and the search for a solution to this problem is, first of all, vivid examples of how every parent in the family has a virtual pedagogical culture.

Keywords: Parents, family, school, community, education, culture, virtual, media, information, computer, internet, Facebook, television, teacher, literacy, virtual control, children, national pride.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00394

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярми тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида, улар ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади. Эътиборли жиҳати, мамлакат ичидаги ва ташқи дунёдаги фаол ахборот алмашувига одамлар эҳтиёжининг жуда ортиб боришидир. Ахборот соҳасининг бундай тезлик билан ривожланиши, унинг потенциали ва имкониятларининг ўсиши, унинг жамоатчилик ва давлат ҳаётидаги турли хил йўналишларида кенг тарзда ишлатилиши, янги XXI асрдаги одамзод тараққиётини аниқлаб берувчи муҳим омиллардан бири бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигиниошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307 сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори 2019 йил 31 декабрда тасдиқланди. Ушбу Концепцияда ота оналарнинг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантиришга қаратилган алоҳида чора-тадбирларга эътибор берилган. Шунингдек, оилада ота-оналарнинг фарзанд тарбиялаш методларига оид билимларини мунтазам ошириб бориш мақсадида: бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогларнинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш; маҳаллалардаги “Ота-оналар университетлари” да ота-оналар учун фарзандларда ёшига мос ижтимоий компетенцияларни тарбиялаш бўйича тренинглар ўтказиш; “Тарбия мактаби” рукни остида ота-оналар, педагоглар учун телекўрсатувлар, болалар, ёшлар учун расмлар билан безатилган ёркин, ранг-баранг қўлланмалар, мультимедиа маҳсулотлари каби дидактик материаллар туркумини яратиш; узлуксиз маънавий тарбия амалиётида тўпланган ижобий тажрибани оммалаштириш мақсадида “Ёш ота-оналар китоби” ва бошқа методик қўлланмалар асосида мультимедиали тақдимотлар сериясини яратиш ва ота-оналарга тарқатиш механизми йўлга қўйилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00394

Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилавий қадриятларимизга зид бўлган турли маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган профилактик тадбирларни ташкил этиш, худудлар бўйича оилаларда соғлом тарбиявий муҳитни яратиш ва ота-оналарга тарбия усулларини ўргатишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарғибот тадбирлари ва тренинглар ўтказилади (1).

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль 2020 йил куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ушбу видеоселекторда Президент Ш.М.Мирзиёев оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи холатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмаганлиги, оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, хуқуқбузарликни кўпайганлиги, шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш холатлари учраётганлиги ачинарли хол эканлигини таъкидлаган. Йигилишда оилавий ажримлар, ёшлар саломатлиги, эрта туғруқлар, маънавий ахлоқий тарбия билан боғлиқ муаммолар қайд этилган [2].

Бугунги ахборотлашган жамият шароитида таълим-тарбия масаласи мураккаб, кенг кўламли масалалардан бири бўлиб, улкан маъсулиятли ишни оила, маҳалла, мактаб ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш муҳим экани исбот талаб қилмайдиган аксимомадир.

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов ўзининг “Болам бахтли бўлсин десангиз...” деб номланган тарбия китобида “Тарбиядаги миллий ғурур, виждонийлик, одоб, мафкуравий онглилик, ватанпарварлик, мулоқот маданияти каби ижобий хислатларга ҳамда бошқа қатор катта-кичик қусурларга эътибор қилмаслик оқибатида кўз ўнгимизда шаклланаётган шахс тақдирида жиддий асорат қолдиради, унда беписандлик, лоқайдлик, бепарволик, худбинлик каби иллатларнинг пайдо бўлишига олиб келади”, деган фикрлари бугунги куннинг долзарб муаммоларига мос келади (4.261Б)

Вертуал сўзи рус-ўзбек луғатида эхтимолий муайян шароитда мавжуд бўлиши мумкин ёки компьютер воситалари ёрдамида акс эттириладиган виртуал борлик, воқелик (компьютер қурилмалари ёрдамида хақиқий мавжуд шароитга ўхшаш шароитни яратиш, ҳосил қилиш)каби маъноларни билишимиз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00394

мумкин. Маданият сўзи эса арабча, мадина - шаҳар, маскан, тараққиёт ўчоғи каби маъноларини англатиб, табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсоний фаолиятининг ўзига хос шаклини ифодалайдиган тушунча. Маданият алоҳида индивиднинг ҳаётий фаолияти, ижтимоий гуруҳ ёки жамиятнинг фаолият усулини акс эттиради. Демак, виртуал маданият компьютер, ахборот воситалари орқали акс этилидаган ўзаро муносабатлардаги инсоний фаолият тушинилади. Виртуал маданиятга ўхшаш иборалар виртуал саводхонлик, медиамаданият, медиасаводхонлик бўлиб, бу ахборот ва оммавий зўравонликдан ҳимоя қобиғига ўхшайди. Гўёки оммавий ахборот воситаларини тарғиб қилишда рақамли саводхонлик деб қарашимиз ҳам мумкин.

Медиасаводхонлик (media literacy) – “медиаматнларни ўзлаштириш, таҳлил этиш ва яратиш қобилияти”.

Медиасаводхонлик (media literacy) – турли шакллардаги хабарлардан (messages) фойдаланиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва узатиш қобилияти.

Медиасаводхонлик (media literacy) – медиа фойдаланиладиган кодли ва репрезентацион тизимлар, замонавий дунёда медиани ижтимоий-маданий ва сиёсий нуқтаи назардан тушуниш, медиаматнларни идрок этиш, яратиш, таҳлил этиш, баҳолаш қобилияти ривожланган медиасаводхон шахсни тайёрлаш жараёни; бундай инсоннинг ҳаёти фуқаролик масъулиятининг тўлиқ англаниши билан боғлиқ.

Айрим тадқиқотчилар медиасаводхонликнини медиамаданиятнинг компоненти сифатида ҳам талқин этишади. Масалан, Н.Рустамова “шахс медиамаданияти” тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Шахс медиамаданияти шахс маданияти учун зарур қисм бўлиб, оммавий медиа турлари, улар орқали тарқатилаётган ахборотлар билан танишиш, уларни танлаш, саралаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида тегишли соҳалар бўйича назарий билим, амалий кўникма, малакаларни ўзлаштириш, пухта эгаллаш, ушбу билимларни касбий, кундалик, маданий, маънавий ва маърифий (амалий) фаолиятда маҳорат билан қўллай олиш қобилиятларининг йиғиндиси” [6. 10 б].

Тадқиқотчи ўз фикрини давом эттириб, моҳиятига кўра шахс томонидан медиамаданиятнинг ўзлаштирилиши стихияли жараён бўлмай, бир неча босқичда эволюцион ривожланишга асосланиши, шахсда медиамаданиятни шаклланиш жараёнининг умумий моҳияти: медиасаводхонлик, медиабилимдонлик, медиамаҳорат ва медиакомпетентликда ўзининг тўлиқ ифодасини топиши ҳақидаги хулосага келган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00394

МУҲОКАМА

Бугунги кунда дунё оммавий ахборот воситаларида ахборотни танлаш ва тўғри баҳолаш маданияти (виртуал маданият) долзарб муаммолардан бири саналади. Бу муаммони ечимини излашда аввало оилада хар бир ота-она виртуал-педагогик маданиятга эга бўлиши лозим, деб ўйлаймиз. Бунинг учун ҳар бир ота-она фарзандларига оммавий ахборот воситалари (телевизор, компьютер, интернетдаги чат, форум, фейсбук, твиттер) дан унумли фойдаланишни аввало ўзлари билган холда фарзандларига ҳам ўргатиши зарурдир. Юқорида келтирилган оммавий ахборот воситалари ўзаро алоқа олиб боришга хизмат қилувчи воситалар бўлиб, улар орқали кишилар бир-бири билан сўзлашиб, турли мулоқотлар олиб бориш имкониятларига эга бўлишмоқда. Улар ушбу имкониятларни ишга солиб, ўз фаолиятларини амалга ошириб, маълумот орттиришмоқда, билим олишмоқда, тажриба алмашилмоқда, савдо каби тижорат, реклама ишларини йўлга қўйишмоқда. Бу албатта ҳар бир соҳада аниқ кўзга ташланмоқда. Бир томондан масофавий таълим олиш имкониятини берса ва интеллектуал, ижодий қобилиятларини ривожлантирса, иккинчи томондан реал мулоқотнинг виртуал шаклга айланиб қолаётганини ҳам кўришимиз мумкин. Энди ота-оналар ўз фарзандлари билан кўпроқ юзма–юз эмас, балки виртуал алоқада бўлиб, уларни назорат қилмоқда. Тақдир тақозоси билан узоқ масофада, Хорижда ишлаётган ёки ўқиётган ота-оналар, фарзандлар фақат виртуал шаклда мулоқот олиб бормоқда. Бу албатта ҳозирги ахборотлашган жамиятнинг маълум бир кўринишлари деб қарайдиган бўлсак, у холда ижтимоий фаровонлик, ижтимоий тотувлик комил инсон шахсини шакллантиришда, тарбиялашда хизмат қилса, жамият аъзоларининг виртуал маданияти ҳам ривожланиб такомиллашиб бориш керак эди. Лекин афсуски оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда айрим муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда.

Бугунги кунда шева ва жаргон сўзларнинг аралаштириб, ўзбек адабий тилидан йироқлашиб кетган ҳам аянчли, ҳам кулгили бўлган бундай ҳолатлар умумий саводхонликнинг пасайганлигидан далолат бермоқда.

Ҳаётда учрайдиган уяли телефон билан боғлиқ бўлган бундай муаммоларни янада давом эттириш мумкин. Миллий ва диний урф-одатларимизга зид маълумотларни тайёрловчи ва тарқатувчи интернет сайтлари ташкилотчиларини бир четга қўйганда, ана шу муаммоларни юзага келишига шароит яратиб бераётган вақтида назорат қилаолмаётган ота-оналарнинг ҳам жуда катта хатоси деб хисоблаймиз.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00394

Биз бу борада “болаларга замонавий компьютерлар ёки уяли алоқа воситаларини олиб бермаслик ёки уларга ижтимоий сайтларга киришига йўл қўймаслик керак”, демоқчи эмасмиз. Шу ўринда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида "Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали хам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимиз онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, бунга кирма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз." [3.71 б] деб таъкидганларини ёдга олиш мумкин.

НАТИЖАЛАР

Замонавий виртуал воситаларининг ахборот тарқатишда кенг кўламга эгалиги, шахс онги ва руҳиятига кучли таъсир эта олиш имкониятини инобатга олган ҳолда ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришда уларнинг хизматини тадбиқ этиш бугунги пандемия шароитида долзарб вазифалардан бири саналади. Ушбу вазифани самарали ҳал қилиш учун медиа, ахборот таъсир кучининг педагогик-психологик (маънавий, тарбиявий) аҳамият касб этишига эришиш талаб этилади.

Маълумки, виртуал-педагогик маданият сўз, тасвир, рамз, тимсол, символ кўринишида ифодаланиб, ота-оналарнинг маълумот даражаси, интеллекти, дунёқараши ва тафаккурининг ривожланишига хизмат қилади. Албатта мазкур жараёнда ота-оналарнинг нарса-ҳодисаларга, воқеликка шахсий муносабати муҳим рол ўйнайди.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришда китоб ўқиш, мутолаа маданиятини ҳам кучайтириш жуда муҳим вазифадир. Китоб ўқиш тажрибасини инсоният бойлиги бўлган – билимлар ҳажми, интеллект, мулоқот тажрибаси ва шахснинг ижодий баркамоллиги билан тенглаштириш мумкин.

ХУЛОСА

Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00394

мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

Маълумки, ҳар қандай давлат ёки жамиятнинг келажаги, истиқболи ва равнақини янада юксалтириш ёшларнинг қўлидадир. Лекин турли бузғунчи оқимларга аъзо бўлган ақидапарастлик мафкураси билан суғорилган ёшларнинг қўлига ўтадиган давлат, жамият ёки оила қандай ахволга тушиши мумкинлигини кўз олдига келтириш қийин эмас. Шунинг учун ёшларни асраб-авайлаш хамда юқорида келтирилган бузғунчи иллатлардан ҳимоя қилишимиз учун аввало ота оналар виртуал-педагогик маданиятга эга бўлиши зарур, деб ўйлаймиз. Шу ўринда аксарият ота-оналарнинг виртуал - педагогик, психологик билимлари у қадар чуқур эмас. Бу эса ўз-ўзидан уларда фарзандларининг медиа билан муносабатларини тўғри ташкил этиш бўйича таълим муассасаларидан амалий-методик ёрдам олиш эҳтиёжини юзага келтиради. Оилада медиатаълимни ташкил этишда ота-оналарга таълим муассасалари ёрдамга келади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. Маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор маърузаси. 12 февраль 2020 йил.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 108 б.
4. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз (Ота-оналар учун). Т.: “Маънавият”, 2013.-320 б.
5. Қуронов М. ва бошқалар. Оилада маънавий - ахлоқий тарбия. Оммабоп рисола. “Маҳалла зиёси” республика ўқув услубий маркази.-Т.: 2015й. - Б.72
6. Рустамова Н.Р. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари медиамаданиятини ривожлантириш технологияси (7-9-синфлар мисолида): педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Тошкент, 2019. – 42 б.
7. Тайлақова Ш. Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш. Фалсафа фанлари доктори (PhD). ...дисс. – Тошкент, 2018.
8. Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc). ...дисс. – Тошкент, 2017. –179б